

Иномжон АБДИЕВ

Иномжон Абдиев — 1985 йил 8 январда Қашқадарё вилояти Қариш тумани Қовчин қишлоғида туғилган. 2002 йилда Бешкент шаҳридаги 58-лицей интернатни битириб, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетига ўқишга кирган. 2006 йилда мазкур таълим даргоҳининг бакалаври, 2008 йилда эса магистри даражасини олган. ҳозирда “Hurriyat” газетасида Ижтимоий сиёсий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими муҳаррири вазифасида ишламоқда. Шеърлари, ҳикоялари республика газета ва журналларида эълон қилинган. Ҳикоялари 2008 йили Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган “Ёшлар китоби”дан ўрин олган.

ОҚҚУШ

Олти-етти яшар ўйинқароқ болакайман. Кеч куз эди чамаси. Вақт пешиндан ошган. Бувам билан далани қоқ иккига айириб, бетон ариқ бўйлаб то зовургача чўзилган тупроқ йўлдан кетаяпмиз. Ботинкамни кўлимга олволиб, иссиққина ҳовур кўтарилиб турган тупроқни ҳузур билан босиб бораяпман. Йўлдан хоммасига қамиш ортган мотоциклми, кўйлар сурувими ўтиб қолса, мен икки четини тикон босган, ўзани азбаройи сувсизликдан тарс-тарс ёрилиб кетган ариқнинг ичига яширинаман, бувам пахтазорга кириб турадилар. Кўтарилган куюқ чанг тумани босилгач, юришда давом этамиз.

Бувам соқол кўймайдиган, узунчоқ юзли, кўй кўз, қотмадан келган, кишин-ёзин эғнидан кўк беқасам чопон ва қора дўппи тушмайдиган, камгап, гапирганда лунжини симириб-симириб гапирадиган, оғир-вазмин киши. Жаҳлдор бўлмасалар ҳам, ўзларига яраша ўжарликлари бор, бир гал кумуш медальонларини момом лўлиларга японский рўмолга алиштирганларида бир ойгача ҳаммадан аразлаб юрганлар. Баъзида эртак айтиб беринг деб, хархаша қилсак, чап қулоқлари остидаги чандикни кўрсатиб, бизни кўрқитадилар. Бу яра бувамга урушдан ёдгорлик. Сўрасак, момонг тишлаб олган деб қўядилар.

Урушда қатнашган бўлсалар ҳам кондан кўрқадилар, шунинг учундир уйимизда мол сўйилмайди. Баъзан қатлама қилиб, қон чиқариладиган бўлса, момоннинг ўзи минғирлай-минғирлай хўроз кўтариб далага чиқадилар. Баланд тепалик ёнидаги куюқ жангал орқасига ўтиб, ўқловга миниб оладиларда, хўрозни сўйиб қон чиқарадилар. Ўша куни бувам дўстлариникига меҳмонлаб кетади.

Бувамнинг яна бир қизиқ одатлари бор. Ҳар йили куз келди дегунча кунора кўшни кишлоққа, эски танишларини кўриш баҳонасида серкатнов бўлиб қоладилар. Аммо ҳар доим йўлнинг яримига бормаи сафарлари қарийди.

Ҳозир ҳам ўша ёққа кетаяпмиз. Мен ўзимга эрмак топиб олганман. Ниятим соямдан ўзиб кетиш. Аммо ҳарчанд уринмай бунинг уддасидан чиқолмайман. Бувамга қараб юрсам, соям орқамга яширинади. Олдинга

юрсам соямнинг изидан эргашаман. Зерикиб, олис-олисларга тикиламан. Ён атроф кенг пахтазор — терим аллақачон тугаган. Кимдир кўй боқаяпти, аллакимлардир моллари учун кўсак, чанғалоқ териб юрибди. Шу пайт кун ботар тарафдаги улкан тепаликка кўзим тушади. Унинг ёнбағри кўхна Қовчин қишлоғининг қабристони. Бува, — деб сўрайман катталардан узук-юлуқ эшитган ривоятлар эсимга тушиб, — мозорда туянинг елкаси борми?

— Ўркачи бор дейишади болам, — хатоимни тузатдилар бувам. — Бунинг тарихи ҳазрати Имом Мўйин ан-Насафийга бориб тақалади. У киши авлиё даражасига етган уламолардан. Маккаи Мукаррамада ҳам бир муддат мударрислик қилганлар...

Бу гаплар қулоқ-қулоғимга сингиб кетган. Бувам айтишдан, мен эшитишдан чарчамайман. Айниқса авлиёнинг дўсти ҳақидаги ривоят менга жуда ёқади. Ўсмоқчилик, ўша ҳақида гап очаман.

Бобом секин-секин одимлаган кўйи давом этадилар: “Ҳазратнинг қабрлари ёнида икки қабр бор. Бири қиз қабр — кимникилиги номаълум. Иккинчиси дўст қабр — ўринларига жон таслим қилган қадрдон дўстларининг қабри. Ривоятларга кўра, Азройил Имом Мўйиннинг жонларини олгани келганда, оналари дод солиб ёлворибди: ўғлимни эмас, менинг жонимни ол! Азройил ҳазратнинг волидаи мухтарамаларининг жонини бир тортган экан, жони киндигига келган онаизор чинқириб юборибди: во-оҳ, бўлди, бас қил, жонимни қайтар ўзимга, кимнинг жонини олсанг олавер. Кейин оталари Азройилга ёлворибди: ўғлимни эмас менинг жонимни ол! Азройил у кишининг жонини бир марта тортган экан, жон киндиккача суғрилиб келибди, ота тишини-тишига кўйиб бардош берибди. Иккинчи марта тортганда жони бўғзига тикилган ота ҳам бақирибди: — Бўлди, бас, ўғлимнинг жонини олавер. Шунда яқин дўсти Азройилга пешвоз чиқиб, мана менинг жонимни ол, дебди. Азройил бир марта тортибди, дўстдан садо чиқмабди, кейин яна тортибди, миқ этмасмиш. Азройил айтибди: ҳеч бўлмаса бир маротаба оҳ, де, жонингни ўзингга қайтараман?

— Э, йўқ, — дебди дўст жон аччиғида лаблари титраб, — олавер, дўстим учун мингта жоним бўлганда ҳам, яна минг маротаба нариги дунёга тегишли азобни тортишимни товонимдан тирноғимнинг учигача ҳис қилиб турган кўйимда ҳам мингта жонимни дўстимнинг бир тола сочиға алишмайман. Туғишгандан тутинган азиз, деб шунинг учун айтилган. Имом Мўйин қабрлари ёнидаги қабр ўша жўмард дўстлариники. Энг аввал ўша қабр зиёрат қилинади.

Ичкарида баланд туғ остида авлиёнинг қабри бор. Душманлар ўлдирмоқчи бўлиб, таъқиб қилганида аввал бургутга айланиб, кейин туяга айланиб қочиб то шу ерга келганда еростига кириб кетганлар. Бир ўркачлари ер юзасида қолган...

— Бува, одамам туяга айланадими? — ишонқирамай сўрайман.

— ...Ҳа, бола-ам, иймони бутун, ўз нафсини енгган, авлиё одамлар, хоҳлаган қиёфаларига кира олишади.

Бу орада катта йўлга чиқиб, икки қишлоқни бир-биридан ажратиб турувчи зовур ёқалаб юрдик. Қамишларни шитирлатиб, ғийқ-ғийқ қилганча,

сувга шўнғиётган ёввойи ўрдаклар диққатимни тортди. Сўнг нимадир эсимга тушиб, яна бувамга юзландим:

Бува зовурда илон борми?

— Ҳа бор.

— Шоқол-чи?

— ...

— Шоқолнинг шохи бўладими?

Бобом жим. Беъмани саволларим жонларига теккан шекилли, гапирмадилар.

Ўзим билан ўзим бўлиб, олдинга зовур бўйлаб катта асфальт йўлга олиб чиқувчи туянинг ўрқачисимон йўлдан югургилаб кетдим. Илиққина эсаётган куз шамоли димоғимга яхтак зах ҳидини уради. Қайсидир йили сув омборига бориб, балиқ тутганимиз ёдимга тушиб, ширин энтикиб қўяман. Ниҳоят чопачопа кўприкка етиб келдим. Бувам ҳали орқада, пайтдан фойдаланиб пастга тушиб зовур ичига мўралайман. Қурбақалар виж-виж сузиб юришибди. Балиқ йўқ, бўлсаям кўринмайди. Бувам етиб келганларидан кейин икки чеккасидаги темирлари майишиб кетган пилта кўприкдан қўшни қишлоқ ҳудудига ўтдик. Улар негадир тўғри йўлдан юрмай, буғдой экиш учун тайёрлаб қўйилган майдон четига ўтириб олдилар. Юрамизми-юрмаймизми, деб иккиланиб турдим. Сўнг ёнларига чўкиб, елкаларига бош қўйдим. Чопонларига нос ҳиди ва аччиқ тер ҳиди уриб қолган. Елкаларига бошимни қаттиқроқ босиб, тўйиб-тўйиб нафас симирам. Бу ҳид менга жуда-жуда таниш ва қадрдон. Шу тобда яхшигина чарчабман шекилли, бирдангина уйқум келиб қолди. Қўлим оғзимга югуриб, хомуза торта бошладим.

— Бува қачон уйга қайтамиз, — дедим кўзимни ишқалаб. Бувам гапимни эшитмадилар. Улар тош қотибдилар. Ҳайрат билан нигоҳлари изидан эргашдим. Диққат-эътиборлари дала ўртасидаги оқ байроқда. Узоқдан у таёққа тиркаб қўйилган оқ матога ўхшайди. Аммо у мато эмас, оққуш. Бобомнинг тилидан тушмайдиган, эртакларидан кетмайдиган, оққуш. Ҳар йили кузда уч-тўрт кун қишлоқ осмонида парвоз қилиб, кейин йил бўйи кўринмайди. Баъзида даланинг ўртасига, фақат бир жойга қўниб, соатлаб шу зайлда тураверади.

— Мени яхши кўрасанми, — тўсатдан бувам тилга кирди, кўзларини оққушдан бир зум узмай. Кейин жавобимни ҳам кутмай давом этдилар, — мен бобомни жуда-жуда яхши кўрардим. Исмлари мулла Аҳмад эди. “Қуръони карим”ни ёддан билардилар. Уйимиз мана шу пахта даласининг ўрнида эди, кейинчалик кўчиб, эски иморатлар бузилиб кетди. Китоблари жуда кўп эди. Бир куни ҳаммасини кигизга ўраб, ховлидаги қудуққа кўмдик. Икки кундан кейин бобомни олиб кетишди. Диндор, намоз ўқийди деб, буғдой тўкилган омборхонага қамаб қўйибдилар. Уч кунгача ҳеч ким хабар олмабди.

Шу пайт чаккамга сув теккандек бўлди. Қарасам бувамнинг ажин босган юзида ёш йилтираяпти. Бир нуқтага термулиб гапираяптилар.

— Бобожоним одамзот мукаррам қилиб яратилган деб чармасдилар. Қўли очиқ, закий инсон эдилар. Жонзотларни яхши кўрардилар.

Ўсимликларга меҳр-муҳаббатлари баланд эди. Асирлик чоғлари ҳам ризкурўзимиз буғдойни — нондай азиз билиб, ҳаром қилишни истамабдилар, омборхонада қовуғлари ёрилиб, жон таслим қилибдилар...

Бувам ҳикоялари шу жойга келганида тин олиб, кўзларига инган ёшни увадаси чиқаёзган чопонларининг енги билан артдилар.

Ғамгин ҳикоядан таъсирланиб кетдим, яна бир муддат шу хаяжонда қолдик. Улар мана шу оққуш менинг бобом деб айтмадилар, лекин ўзлари шундайлигига заррача шубҳа қилмаётганликларини ёш ва сезгир юрагим билан ҳис қилиб турардим. Бетизгин хаёлларим кўз ўнгимда буғдой устида қорни ёрилиб ётган бувамнинг бувасини номоён қилади, гоҳ кигизга ўралиб қудуқ ичида кўмилиб ётган эски китобларга, гоҳ бувамнинг ёшлиги ўтган худудда соатлаб қотиб турадиган оққуш томонга ўрмалайди... Қуёш уфққа бош қўяёзган пайтдагина ўрнимиздан кўзғалдик. Бир неча кундан сўнг ўртоқларим билан ўрдақ тутиш учун қўйларни зовурга олиб бордик. Бир киши қўйларга қараб турибди, қолганлар зовур ичида ўрдақларни қувлай кетдик. Улар жуда қочқоқ экан. Зип этиб кўринади-ю, кейин сувга шўнғиб кетади. Қува-кува чарчаб ҳафсаламиз пир бўлди. Шу пайт тепада қолган ўртоғимиз “Вой бу, анавини қаранглар, бир киши от чоптириб келаяпти”, деб қолди. Югуриб, дўнгликка чиқдик. Отлиқ бизга яқинлашганда секинлашди. Дарров танидим. Қишлоқ раисининг ўғли Шокир экан. Унинг оёқлари узун-узун, пешонасида қашқаси бор, кишнаганда ўйноқлаб кетадиган отини ўтган йили бир марта миниб кўрганман. Шокир ёнимизга келди-да, отдан сакраб тушди. Биз гижинглаб турган қашқа отни ўраб олдик. Шу пайт кўзим оққушга тушди. Унинг узун жонсиз бўйни отнинг қорнига шалвираб осилиб турибди, оёқлари эгарга чандиб ташланган. Шокирнинг елкасида милтиқ. Сесканиб кетдим. Ичимдан нимадир узилгандек бўлди.

Қандай уйга етиб келганимни билмайман. Келсам, бобом дарвозахонадаги каравотга ёнбошлаганча чой ичиб турибдилар. Нафасим бўғзимга тикилиб: — Оққуш, оққушни Шокир отибди, оққуш ўлди, — деб бақирдим.

— Оққуш, — бобом ўзларига қовушмаган тезликда сапчиб ўринларидан туриб, каравотдан ҳам сакраб тушдилар-да, бир зумда ёнимга етиб келдилар. Елкамдан ушлаб, қаттиқ силкитдилар: — Ким у Шокир? Елкаларим зирқираб кетди. Бобомни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмагандим.

— Раисининг ўғли, дедим базўр.

Бувам шиддат билан кўчага отилдилар. Раисникига кетди, деб ўйладим. Биздан учта-тўртта уй нарида туради. Келиб қоларлар деб, жойимдан жилмай кутиб турдим. Ҳаял ўтмай дарвозадан қоралари кўринди. Титраб-титраб келаяптилар. Алланечук бўлиб кетдим. Қўлларида жонсиз оққуш. Узун бўйни осилган, қанотлари лой тегибди. Уни олиб келиб супа устига қўйдилар. Кейин ўзлари ҳам чўк тушдилар. Бобомга йиғлаяпти, мен ҳам қўшилиб йиғлаяпман. Бобомга ачинапманми ёки оққушгами, буни ўзим ҳам билмайман, лекин ичимдан кўпчиб-кўпчиб йиғи келаяпти. Шу пайт дарвоза очилиб дадам кўринди. Ёнимизга келиб, ҳолатимиздан донг қотдилар.

Менинг ёдимга эса, лоп этиб зовурда қолиб кетган кўйларим тушди, ими-жимида ўша ёққа югургиладим.

Қайтиб келсам, бобом ҳовли тўридаги тут дарахти остини қазиб, оққушни кўмаётган эканлар. Нотаниш туйғу таъсирида ёнларида турдим. Бувам йиғлаб-йиғлаб оққушни тупроққа кўйдилар. Эсимни таниганимдан бери тилларидан тушмайдиган оқ байроқни ерга кўмдилар.

Ўша кундан кейин бувамнинг ғамгинлиги тарқамади. Очилмадилар. Эртакни ҳам онда-сонда эшитадиган бўлиб қолдик. Ярим йил ўтар-ўтмай ўзлари ҳам ёруғ оламини мангуга тарк этдилар. Бўзлаб-бўзлаб қолавердик.

Бувамнинг тобути кўлма-кўл мозор томон лапанглаб кетаяпти. Тобутнинг тўрт тарафи оппоқ мато билан ўралган. У майингина эсаётган шамолда оҳиста ҳилпирайди. Ёш кўнглим бузилиб, тумонат одамлар ортидан маъюс тикиламан. Кўз ўнгимда оқ байроқ — оққуш гавдаланди. У қишлоқ осмонида қонсиз, лойсиз қанотларини ёйиб Имом Мўйин томонга парвоз қилиб кетаётгандек.